

илмайди. Унда ўқувчи-ёшлар танқидий фикр юритиш, ахборот манбалари ва вазиятни таҳлил қи- лиш, мураккаб муаммоли вазиятларни ҳал этиш каби кўникмаларни ўзида шакллантирадилар [7].

Тарихий воқеалар ва шахслар ҳаёти, ижоди ва фаолияти ҳеч қачон бир андоза, фикр, мезон билан ўлчанмаган, улар мудом баҳс-мунозаралар уйғотиб келади. Ушбу хусусият ҳам тарих дарсларини, мавзуларини интерфаол методларга таянган ҳолда олиб боришни тақозо қилади.

Шубҳасиз, ўқитувчи ва ўқувчи билим ва ҳаётий тажрибаси нуктаи назаридан баробар, тенг эмас. Баъзан тарбия жараёнини субъект-субъект, диада муносабатларига қуришни тарғиб этишганда субъектни объект поғонасига туширишни назарда тутадилар. Бундай қараш моҳиятан нотўғридир. Ўқувчи ҳар қандай билимга эга бўлмасин, ўқиш жараёнида канча фаоллик ва кизиқиш кўрсатмасин, у тарбиявий, ўқув-таълим жараёнининг объекти бўлиб қолаверади. Педагогиканинг ушбу фундаментал қонуни ҳеч қачон субъектни объект даражасига туширмасликини, балки интерфаол метод орқали объектни субъект даражасига кўтариш орқали субъект-субъект, яъни тенг ҳуқуқли, ўзаро ҳурмат ва ишончга қурилган диада муносабатларини юзага келтиришни назарда тутди.

5. Тарихий хотира ва миллий ғоя абстракт, ижтимоий борлиқдан узилган нарсалар эмас, улар янги педагогик технология тизимида шахснинг ижтимоийлашувини, жамият ва давлат ҳаётида фаол қатнашишини тақозо этади. Ҳар қандай ғоя ва тарбиянинг провард мақсади ҳам инсонни ён атрофга, кишилар ташвишига, ижтимоий борликка фаол муносабатда бўлишини шакллантиришга қаратилгандир. Масалан, Ватани тарихини, унинг мустақил рағнақи учун курашаётган кишиларининг эзгу ишларини яхши биладиган шахс ён-атрофда учрайдиган адолатсизликка, таъмагирликка бармоқ орасидан қараса ёки уларнинг қонуний ҳал этишдан ўзини олиб қсча, ундай билимдондан жамиятга, эл-юртга нима фойда? Тарихий хотира ва миллий ғоя шахснинг ҳаётий мақсадини белгилаб бериб, уни олижаноб идеаллар ва амаллар билан яшашига айлансагина педагогик технология ўз вазифасини адо этган бўлади.

Адабиётлар

1. Нормуродова Н. Янгиликни жорий қилиш жараёнида раҳбар шахси ва фаолиятининг ўрни // Халқ таълими, 2009. - №5. - 43-6.
2. Боймиров Қ. Узлуксиз таълим жараёнининг айрим муаммолари // Халқ таълими, 2009. - №5. -21-6.
3. Хайдаров С. Тарих дарсларида санъат асарларидан фойдаланиш // Халқ таълими, 2007. - №3. -47-6.
4. Махкамов С. Тарих таълимига интеграцией ёндашиш муаммоси // Халқ таълими, 2007. - №3. -49-6.
5. Махмудова М. Туркистонлик олимларининг географик меросидан фойдаланишнинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти // Халқ таълими, 2007. -№1. - 110-111-6.
6. Бегматов А. Тарбия жараёни ва педагогик диагностика//Халқ таълими, 2007. - №5. - 19-22-6.
7. Хидирова Б., Файзуллаева З. Ўқитишда таълим технологиясининг интерфаол методларидан фойдаланиш И Халқ таълими, 2009. - №5. - 45-46-6.

* ♦ *

УДК 371.3:577.4

ПЕДАГОГИК ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИНГ БОСҚИЧЛАРИ

Н.Ж.Исакулова

Аннотация

В данной статье освещается организация и проведение экспериментальных работ по формированию междисциплинарного экологического воспитания учащихся педагогических колледжей и общеобразовательных школ. В диагностических, организационных, практических и обобщающих этапах проведено педагогические экспериментальные работы.

Annotation

This article describes the organization and conduction on the experimental studies to the formation of interdisciplinary on environmental education for students of teacher training colleges and secondary schools. In the diagnostic, organizational, practical and synthesis stages of the educational experimental works.

Исакулова Н.Ж. - Ўрта махсус, касб-хунар таълим тизимида кадрлар малакаени ошириш ва ўқитувчиларни қайта тайёрлаш институти

Педагогик тажриба-синов ишлари Тошкент шаҳридаги Юнус Ражабий номли педагогика коллежи, Тошкент вилояти педагогика коллежи, Хўжайли педагогика коллежи, Сиёб коллежининг «Бошлангич таълим» йўналиши ва уларнинг амалиёт майдончалари, яъни умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларида олиб борилди. Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 131-, 138-, М.Улугбек тумани 49-, 308-, Самарканд шаҳри 1-, 10. ҳамда Хўжайли тумани 12-умумтаълим мактабларида педагогик тажриба-синов ишлари ўтказилди.

Педагогик тажриба-синов ишлари куйидаги боскичларда амалга оширилди:

ЕТашхис ва башорат килиш боскичи:

1. / Педагогик диагностика объектлари сифатида Ю.Ражабий номли педагогика коллежи, Тошкент вилояти педагогика коллежи, Хўжайли педагогика коллежи, Сиёб педагогика коллежи ва уларнинг амалиёт майдончалари белгиланди;

1.2. Ўқувчиларнинг фанлараро экологик тарбиялашдаги муаммоларни таҳлил этиш ҳамда педагогика коллежи «Бошлангич таълим» йўналиши ва умумтаълим мактабларининг ўқувчиларида фанлараро экологик тарбияни шакллантириш;

1.3. Ўқувчиларга фанлараро экологик тарбияни бериш юзасидан педагогик тажриба-синов мақсади. илмий фарази ҳамда вазифалари куйидагича белгиланди:

Тажриба-синов мақсади - узлуксиз таълим жараёни ўқувчиларига фанлараро экологик тарбия беришнинг назарий ҳулосаларини ўрганиш, мавзунини таҳлил қилиш методлар эффективлиги ҳамда тадқиқот иши юзасидан тўпланган ахборотлар асосида амалий маслаҳатларни татбиқ этиш.

Тажриба-синов вазифалари:

- узлуксиз таълим ўқувчиларига фанлараро экологик тарбия бериш ва унинг компонентларига назарий таҳлил бериш;
- бошлангич таълим жараёнида фанлараро экологик тарбия бериш муаммосини ўрганиш;
- умумий ўрта таълим ўқувчиларига фанлараро экологик тарбия беришнинг назарий типологиясини аниқлаш;
- касб-хунар таълимининг «Бошлангич таълим» йўналишидаги ўқувчиларига фанлараро экологик тарбия беришнинг эмпирик референтларини ишлаб чиқиш;
- экологик тарбия беришнинг узлуксиз услубий тизимини ишлаб чиқиш;
- илмий тадқиқот ишлари натижалари асосида услубий қўлланма гайёрлаш ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тажриба-синовнинг илмий фарази: - узлуксиз таълим жараёнида ўқувчиларга фанлараро экологик тарбия бериш, агар:

» узлуксиз таълим жараёнида ўқувчиларга фанлараро экологик тарбия бериш дастур ва режа асосида ташкил этилса;

- узлуксиз таълим жараёнида ўқувчиларга фанлараро экологик тарбия бериш мазмунини даре ва дарсдан ташкари тарбиявий жараёнга кенг татбиқ этилса;

- узлуксиз таълим жараёнида ўқувчиларга фанлараро экологик тарбия бериш дидактик жараёнлар асосида ташкил этилса;

- узлуксиз таълим жараёнида ўқувчиларга фанлараро экологик тарбия бериш жараёнига таъсир этувчи омилларга эътибор берилса, самарадорлиги ошади.

1.4. Тажриба-синов дастури ишлаб чиқилди.

Педагогика коллежи «Бошлангич таълим» йўналиши ҳамда мактаб ўқувчиларига фанлараро экологик тарбия бериш юзасидан педагогик тажриба-синов ишларини ўтказиш ўқув дастурлари коллеж ва мактаб амалиётига 2010 йил жорий этишда куйидагилар аниқланди:

1) Докторантнинг педагогика коллежининг «Бошлангич таълим» йўналиши ва мактаб ўқувчиларига фанлараро экологик тарбия бериш юзасидан педагогик тажриба-синов ишларини ўтказиш ўқув дастурига муассасанинг 2 та ўқитувчилари томонидан тақриз берилди.

2) Дастур коллеж ва мактабнинг педагогик ва метод кенгашларида ўрганилиб, таҳдил этилиб, муҳокама қилинди. Муҳокама қилинган юзасидан кенгаш йиғилиши баённомасининг қўчирмалари мавжуд.

3) Педагогик тажриба-синов ишларида қатнашган ўқитувчилар ёрдамида тажриба-синов жараёни тажриба гуруҳларида амалга оширилди.

4) Коллеж ва мактабнинг тажриба ва синов боскич ўқувчиларида дастлабки тест ўтказилган ҳамда тест жавоблари ёзилган варақалар муассаса томонидан тасдиқланган.

5) Тажриба ва синов боскич ўқувчиларининг рўйхати ҳамда дастур мазмунини юзасидан олиб борилган даре ва дарсдан ташкари машғулоти мавзулари муассаса томонидан тасдиқланган

муассаса тажриба-синов босқич ўқувчиларининг рейтинг балларини ҳисобга олиш журнаliga ёзилган.

6) Даре ва дарсдан ташкари машғулотларда экологик мазмундаги мавзуларни ўтиш учун ёзилган машғулотлар муассаса раҳбари томонидан тасдиқланган.

7) Тажриба гуруҳларида оралик назоратни муассаса ёки докторант томонидан ўтказилиб (оғзаки савол-жавоб), ўқувчиларинг олган баҳолари журналда ёзилган.

8) Ўқувчиларда якуний тест олинган ҳамда тест ёзилган варақалар муассаса томонидан тасдиқланган.

9) Коллежнинг тажриба гуруҳларида курс иши олинган.

10) Тадқиқотчи томонидан кўрсатилган мустақил ишларни коллеж ўқувчилари томонидан бажарилган ҳамда тадқиқотчига намуналардан топширилган.

11) Педагогик амалиёт юзасидан тадқиқотчининг кўрсатмаси билан қилинган ишлар коллеж амалиёт раҳбарларининг ҳисоботида кўрсатилган.

12) Дарсдан ташкари машғулотлар амалиётга жорий этилган. Маълумотлар тадқиқотчи томонидан кўрсатилган тартибда бажарилган.

2009-2010 ўқув йилдаги тўпланган материаллар ва олиб борилган педагогик тажриба-синов ишларида олинган камчиликлар 2010-2011 ўқув йилида қайта ишланиб ва тўғрилаш режалаштирилган.

2. Ташкилий-тайёргарлик босқичи:

2.1. *Тажриба-синов майдонлари* Ю.Ражабий номли педагогика коллежи, Тошкент вилояти педагогика коллежи, Хўжайли педагогика коллежи ва Сиеб педагогика коллежи ҳамда мазкур коллежларнинг «Бошланғич таълим» йўналиши ва уларнинг амалиёт майдончаларидаги ўқувчилар инobatга олинди ҳамда амалиёт майдончаси бўлмаган мактабларнинг ўқувчилари билан таккослаш назрда тутилди.

2.2. *Педагогик жараён тавсифи* ўқувчиларда фанлараро экологик тарбияни шакллантириш учун белгиланди.

Педагогик жараён тавсифида биз педагогик тажриба-синов ўтказишда муаммолар ҳамда тажриба объектларини танлаб олиниши назрда тутилди.

Педагогик тажриба-синов ўтказишда куйидаги муаммолар эътиборга олинди:

1. Танланган, яъни коллеж ва мактаб ўқувчиларида фанлараро экологик тарбияни шакллантириш тизими.

2. Тадқиқотчи тайёрлаган предметлараро экологик тарбияга оид тушунчаларни шакллантириш материалларнинг танланган коллеж ва мактабларнинг бошланғич синф ўқувчилари томонидан қай даражада назарий ва амалий жиҳатдан ўзлаштирилиши.

3. Тадқиқотчи томонидан тажриба-синов синфлари учун тайёрланган материалларга нисбатан ўқувчиларнинг қизиқишини ҳисобга олиш.

4. Мультимедиа ва ноанъанавий усуллар асосида ҳамда анъанавий усулда ташкил этилган даре машғулотларида ўзлаштириши лозим бўлган фанлараро экологик тарбияни ўзаро таққослаш.

5. Даре ва дарсдан ташкари машғулотларда тадқиқотчи томонидан тайёрланган материалларнинг илмий дунёқараш ва мантиқий фикрлашни ривожлантиришга хизмат қилиши.

Юқорида қайд этилган муаммоларни амалда синаб кўриш мақсадида 2009/2010 ўқув йили учун коллеж ва мактабларни танлаб олишда куйидагиларга эътибор берилди:

1. Педагогика коллежлари.

2. Оддий мактаблар (танланган педагогика коллежларининг амалиёт майдончаси эмаслиги инobatга олинади).

3. Педагогика коллежларининг амалиёт майдончасидаги мактаблар.

4. Педагогик тажриба-синов ўтказиладиган педагогика коллежи ва мактабларнинг моддий-техник базасига.

2.3. *Ўқувчиларда фанлараро экологик тарбия бериш юзасидан методик таъминоти ишлаб чиқилди.*

Ўқувчиларда фанлараро экологик тарбияни шакллантириш юзасидан методик таъминотни муассаса ўқитувчиларига куйидагича ишлаб чиқдик:

- даре давомида фанлараро боғлиқликни шундай ташкил этиш ки керак ки, фан мавзулари бир-бирини тўлдирилиши лозимлиги инobatга олинган холда докторант томонидан тайёрланган даре ишланмалари ўқитувчиларга тарқатилди;

- фанлараро экологик мазмундаги дарсларни ўтказиш юзасидан муассаса ўқитувчилари билан суҳбатлар уюштирилди;
- даре олиб борилишига муносиб фан ўқитувчилари белгиланди;
- коллежнинг ҳар бир босқичи ҳамда мактабнинг ҳар бир синфи учун докторант томонидан тайёрланган материаллар қай тартибда ўтказилиши юзасидан муассаса ўқитувчиларига тавсиялар берилди;
- дарсдан ташқари машғулотларнинг ўтказилиши муассаса ўқитувчилари билан маслаҳатлашилди;
- педагогик тажриба-синов ишларида бажарилиши лозим бўлган ўқувчиларнинг маълумотларини қай тартибда олиб борилишига докторант кўрсатмалар берди;
- коллежнинг педагогик амалиёти юзасидан фанлараро экологик мазмундаги топшириқларни бажарилиши топширилди.

Тошкент шаҳридаги Ю.Ражабий номи ва Тошкент вилояти педагогика коллежining «Бошланғич таълим» ҳамда Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 131-Ў38-, М.Улуғбек тумани 49-, 308- умумтаълим мактабларининг ўқувчиларида докторант томонидан шахсан педагогик тажриба- синов ишлари ўтказилди. Самарканд шаҳри Сиеб педагогика коллежи ва унинг амалиёт майдончалари 1-, 10- ҳамда Хўжайли тумани педагогика коллежи ва унинг амалиёт майдончаси 12- умумтаълим мактаблари ўқувчиларида докторант кўрсатмаларига биноан педагогик тажриба- синов ишлари муассаса томонидан ўтказилди.

2.4. Педагогик тажриба-синов ишлари ташкили таъминоти қуйидагича ишлаб чиқилди:

- педагогик тажриба-синов ишларини назорат қилувчи ўқитувчи муассаса томонидан белгиланди;
- педагогик тажриба-синов ишларини олиб боровчи ўқитувчилар тайинланди;
- тажриба ва синов гуруҳлари аниқланди;
- педагогик тажриба-синов ишларини олиб борилишига шароитлар муассаса томонидан яратилди;
- педагогик тажриба-синов ишларини муассасаларда олиб борилиш тартиблари белгиланди;
- педагогик тажриба-синов ишлари докторант томонидан қайд этилиб борилди.

3. Амалий босқич:

3.1. *Ўқувчиларга фанлараро экологик тарбияни беришнинг таъкидловчи, шакллантирувчи ва назорат қилувчи тажриба синов ишлари амалга оширилди.*

- таъкидловчи;
- шакллантирувчи;
- назорат қилувчи.

Таъкидловчи тажриба-синов ишларининг мақсади - шаклланиши лозим бўлган фанлараро экологик тарбия беришнинг таълим жараёнида тутган ўрнини ва экологик тарбияни фанлараро алоқадорликка боғлаган ҳолда ўқувчиларнинг билиш имкониятларини ўрганиш ҳамда билиш жараёнларини ўрганишдан иборат.

Шакллантирувчи тажриба-синов ишларининг мақсади - тадқиқотга умумий тайёргарликни уюштириш ва ўтказиш, фанлараро экологик тарбия беришнинг шакл ва услубларини аниқлаш, методик ишларни олиб бориш, даре ва дарсдан ташқари машғулотларни уюштириш ва ўтказиш, фанлараро экологик тарбияни шакллантириш жараёнидан иборат.

Назорат қилувчи тажриба-синов ишларининг мақсади - олиб борилган тажриба натижалари асосида фанлараро экологик тарбия бериш юзасидан тегишли ва ишончли маълумотларни йиғишдан иборат.

Педагогик тажриба-синовнинг таъкидловчи босқичида тадқиқотчи томонидан тайёрланган материаллар амалда ўз натижасига эришгандан сўнг коллеж ва мактаб ўқувчиларида фанлараро экологик тарбияни шакллантиришнинг илмий, педагогик ва методик омилларига оид тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган педагогик тажриба-синов ишларини ўтказиш дастурлари, даре ишланмалари ва услубий қўлланмалар ўқитувчиларга тақдим этилиши режалаштирилди.

3.2. *Тажриба синов-ишлари гуруҳларда босқичма-босқич ва синфма-синф амалга оширилди.*

Педагогик тажриба-синов давомида танлаб олинган педагогика коллежи ҳамда мактабларда тажриба ва синов гуруҳлари ҳар бир муассасанинг ўқув ишлар бўйича директор ўринбосари томонидан белгиланди. Тажриба гуруҳларида тадқиқотчи томонидан тайёрланган материаллар асосида тажрибавий ўқитиш ўтказилди.

Юкорида санаб ўтилган коллеж ва мактабларнинг тажриба синфларида ноанъанавий усуллардан фойдаланган ҳолда дарслар мазмунли ташкил этилди. Экологик мазмунда машқ, тест ва масалалар бажарилди. Дарсдан ташқари машғулотлар тадқиқотчи томонидан тайёрланди ва уюштирилди. Бунда ижодий фикрлашни ривожлантиришга оид экологик мазмундаги ўйинлар, яъни кроссвордлар ечилди. Анъанавий усулда олиб борилган дарсларда назорат синф ўқувчиларининг экологик билим билан курулланиши кузатилди.

Тажриба синф ўқувчиларида фанлараро экологик тарбияни шакллантириш учун биз тавсия қилаётган материалларни етказиш жараёнида куйидаги талабларга риоя қилдик:

1. Ўзлаштирилиши лозим бўлган фанлараро экологик тарбия фанларга тааллуқли материаллар асосида даре технологияси содда ва тушунарли тайёрланди.

2. Ўқувчиларда фанлараро экологик тарбияни кенг ва чуқур ўзлаштирилишига.

3. Ўқувчиларни фанлараро экологик тарбияланишига.

4. Тадқиқотчи томонидан танланган услубларнинг ижобий таъсир этишига ва ҳоказо.

4. Умумлаштирувчи босқич:

4.1. Тажриба-синов ишларини натижалаш алгоритми ишлаб чиқиш режалаштирилди.

4.2. Коллеж ва мактаб ҳаётига татбиқ этилди.

Педагогик тажриба синов ишлари натижаларининг апробацияси сифатида чоп этирилган илмий ишлар тўғрисида мақолалар тайёрланди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тажриба-синов натижаларини амалиётга татбиқ этиш мумкин. Юкорида баён қилинган ишларнинг бажарилганлиги педагогика коллежи «Бошлангич таълим» йўналишидаги ўқувчиларда фанлараро экологик тарбияни шакллантириш мақсадида педагогик тажриба-синов ишлари ўтказилганидан далолат беради. Докторант Н.Исакулованинг педагогика коллежи «Бошлангич таълим» йўналишидаги ўқувчиларга фанлараро экологик тарбия бериш юзасидан педагогик тажриба-синов ишларини ўтказиш ўқув дастури коллеж ва мактаб амалиётига жорий этилгани коллеж ва мактабнинг педагогик фаолиятига мос келади деб ҳисоблайман.

УДК 37.015.3:316.628 (043.3)

ИЗУЧЕНИЕ ПРОБЛЕМЫ ЧЕЛОВЕЧЕСКОЙ МОТИВАЦИИ И МОТИВОВ ПОВЕДЕНИЯ ДЛЯ РАЗВИТИЯ ТЕОРИИ И ПРАКТИКИ В ПСИХОЛОГИИ

А.Д.Тлемисова

Аннотация

Ушбу мақолада инсон мотивацияси ҳамда психологияда назария ва амалиётни ривожлантиришда хулқ-атвор мотивларини ўрганиш муаммолари ҳақида сўз юритилади. Аниқ бир жараёнда қатнашувчи ва инсоннинг қарор қабул қилишии белгилловчи психологик (таълимий) факторлар ҳақида тегишли хулосалар келтирилган.

Annotation

In this article it is told about studying of a problem of human motivation and motives of behavior for theory and practice development in psychology. Powered by psychological factors (education), participating in a particular motivational process and causing human decisions.

Проблема мотивации привлекает в последнее время все больше внимания психологов. И это естественно. В связи с повышением политического уровня людей, ростом образования, личностного самосознания, усложнением и обогащением системы человеческих потребностей, интересов, чувств наука с все более пристальным вниманием обращается к человеческому фактору как важнейшему резерву социального развития, повышения производительности труда, эффективности воспитания, управления и других видов социального воздействия на личность.

Усиление интереса к мотивации как движущей силе человеческого поведение стержня личности и смыслообразующей ее стороны связано также с выявившейся в последние годы ее сложностью и глубиной.

Тлемасова А.Д.-старший преподаватель, Казахстанский университет Дружбы народов. Республика Казахстан, г.Шымкент, e-mail: aliva.tlemisova@inail.ru.